

Малака бўйича дастлабки танловга ТАКЛИФ

Малака бўйича дастлабки танловга ТАКЛИФ

Сана: 9 Март 2023 йил

Мамлакат: Ўзбекистон Республикаси

Лойиҳа: М39 Олмаота-Бишкек-Тошкент-Шаҳрисабз-Термиз автомобиль йўлининг 1255-1315 км қисмини реконструкция ва модернизация қилиш

Сектор: Инфратузилма

Қурилиш-монтаж ишларини сотиб олиш: М39 автомагистралини реконструкция ва модернизация қилиш

Молиялаштириш усули: Бўлиб-бўлиб тўлашни молиялаштириш

Кредит рақами: UZB-0086

1. Малака бўйича дастлабки танлов учун ушбу таклиф ИТБ ва Tenderweek веб-сайтларида ва Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари қўмитасининг 2022 йил 1 декабрдаги веб-сайтида онлайн тарзда пайдо бўлган ушбу лойиҳа учун харидлар тўғрисида умумий хабарномага (GPN) амал қилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ислон тараққиёт банки (ИТБ) томонидан М39 Олмаота-Бишкек-Тошкент-Шаҳрисабз-Термиз автомобиль йўлининг 1255-1315 км қисмини реконструкция ва модернизация қилиш харажатларини қоплаш учун маблағ олган ва ушбу молиялаштиришнинг бир қисмини

М39-А-01 ва М39-А-01 02 контрактлари ёки мос равишда 1-Лот ва 2-Лоти бўйича тўловлар учун ажратишни режалаштирган. ОПЕК фондининг маблағлари М39-А-03 контрактининг 3-Лоти бўйича қурилиш ишларини молиялаштиришга сарфланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги автомобиль йўллари қўмитаси

хузуридаги "Автойўлинвест" агентлиги (Ижро агентлиги)

М39 автомобиль йўлининг 1255-1278 км қисмини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича – 1-Лот, М39 автомобиль йўлининг 1278-1295 км қисмини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича – 2-Лот,

М39 автомобиль йўлининг 1295-1315 км қисмини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича – 3-Лот, пудратчилар ва/ёки фирмаларни малака бўйича дастлабки танловни амалга ошириш. Савдоларда иштирок этиш таклифи 2023 йил июнь ойида эълон қилиниши кутилмоқда. Ушбу дастлабки малакадан ўтказиш жараёнида иштирок этиш учун қуйидаги асосий малака кўникмаларига эга бўлган муносиб номзодлар таклиф этилади:

* Молиявий ресурслар: қурилишнинг пул оқими эҳтиёжларини қондириш учун минимал молиявий ресурслар қуйидагича баҳоланади:

- 1-лот учун (1255 –1278 км қисми) 4,9 млн. АҚШ доллари;
- 2-лот учун (1278 –1295 км қисми) 2,4 млн. АҚШ доллари;
- 3-лот учун (1295 – 1315 км қисми) 3,6 млн. АҚШ доллари.

* Ўртача йиллик қурилиш айланмаси: минимал ўртача йиллик қурилиш айланмаси:

- 1-Лот учун – 38,0 (ўттиз саккиз) млн. АҚШ доллари;
- 2-Лот учун – 20,0 (йигирма) млн. АҚШ доллари;
- 3-Лот учун – 29.0 (йигирма тўққиз) млн. АҚШ доллари.

* Махсус қурилиш и ва контрактларни бошқариш бўйича тажриба:

(i) ҳар бир лот учун битта шартнома:

1-Лот: ҳар бирининг энг кам қиймати 20,000,000 АҚШ долларидан бўлган 3 та контракт, ёки ҳар бирининг энг кам қиймати 25,000,000 АҚШ долларидан бўлган 3 та ва ундан кам контрактлар, бунда барча контрактлар умумий қиймати 60,000,000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошқ.

2-Лот: ҳар бирининг энг кам қиймати 15,000,000 АҚШ долларидан бўлган 2 та контракт ёки ҳар бирининг энг кам қиймати 20 000 000 АҚШ долларидан 2 та ва ундан кам

контрактлар, бунда барча контрактлар умумий қиймати 30,000,000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошиқ.

3-Лот: ҳар бирининг энг кам қиймати 15,000,000 АҚШ долларидан бўлган 3 та контракт ёки ҳар бирининг энг кам қиймати 24 000 000 АҚШ долларидан 2 та ва ундан кам контрактлар, бунда барча контрактлар умумий қиймати 45,000,000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошиқ.

(ii) ҳар бир лот учун битта контрактнинг энг кам қийматига нисбатан юқоридаги (i) бандга мувофиқ, контрактларнинг умумий сони 6 тага тенг ёки ундан кам, аммо бундай контрактларнинг умумий қиймати 135 000 000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошади.

Малака талаблари хақида батафсил маълумот дастлабки малака ҳужжатларида келтирилганю

Танлов савдоларида иштирок этишга таклиф 2023 йилнинг июнь ойида амалга оширилиши кутилмоқда.

4. Малака бўйича дастлабки танлов 2019 йилнинг апрель ойида ИТБ лойиҳасини молиялаштириш доирасида товарлар, ишлар ва тегишли хизматларни сотиб олиш бўйича Ислом тараққиёт банкининг кўрсатмаларида кўрсатилган малака бўйича дастлабки танлов тартиб-таомиллари воситасида амалга оширилади.

Қўлланма. Танлов савдолари қўлланмада кўрсатилганидек халқаро очиқ танлов савдолари (ICB Open) тартиб-таомиллари доирасида ўтказилади.

5. Қизиқиш билдирган мувофиқ номзодлар қўшимча маълумот олиш ва ижро агентлиги малака бўйича дастлабки танлов учун ҳужжат билан 09:00 дан 17:00 гача танишиш мумкин (манзил қуйида берилган).

6. Малака бўйича дастлабки танлов ҳужжатининг инглиз тилидаги тўлиқ тўпламини манфаатдор Номзодлар танишгандан сўнг, қуйида кўрсатилган манзилга ёзма ариза

топширганда ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг сотиб олинган санадаги курси бўйича 300 АҚШ доллари ёки сўмда қайтарилмайдиган тўлов тўлаганда сотиб олишлари мумкин. Тўлов усули қуйида келтирилган банк ҳисоб-рақамига тўғридан-тўғри ўтказиб берилади.

Банк реквизитлари:

Қабул қилувчининг исми: Автомобил йўллари қўмитаси қошидаги "Автоўлинвест" агентлиги

Қабул қилувчининг банки: Марказий Банк Тошкент шаҳридаги тўлов маркази

Банк манзили: Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар, Ислон Каримов кўчаси 6 ўй,

Ақш доллардаги ҳисоб: 400110840262667045199300001

Ўзбек сўмидаги ҳисоб: 399910860262667045199300003

SWIFT: CBUZUZ22 XXX

BIC: 2340 2000 3001 0000 1010

7. Хужжатларни фақат қуйидаги манзилдан Ижро агентлиги қошидаги ЛАОГдан Тошкент вақти билан соат 9:00 дан 17:00 гача олишингиз мумкин.

8. Малака бўйича дастлабки танлов учун аризалар Тошкент вақти билан 2023 йилнинг 20 апрели соат 15.00 гача қуйидаги манзилга йўлланган муҳрланган конвертларда топширилиши ва "М39 Олмаота-Бишкек-Тошкент-Шаҳрисабз-Термиз автомобиль йўлининг 1255-1315 км қисмини реконструкция ва модернизация қилиш учун малака бўйича дастлабки танлов учун ариза, ЛОТ ва Контракт номи" аниқ ёзувга эга бўлиши керак. Электрон танлов савдолари таъқиқланади. Кечикиб берилган аризалар рад этилади. Аризалар қуйида кўрсатилган манзилда Мурожаат этувчилар ва барча хоҳловчилар вакиллари иштирокида очик очилади.

9. Юқорида кўрсатилган манзил:

"Автойўливест" агентлиги

Диққат: "Автойўливест" агентлиги директори Зуфара Исматуллаева,

Ўзбекистон, 100000, Тошкент, Мустақиллик Кўчаси, 68 Уй., 622-хона, 6-қават

Тел: 71 237 97 08

Факс: 71 268 90 41

Электрон почта манзили: piuisdb60km@gmail.com

Расмий веб-саҳифа: www.uzavtoyul.uz